



Халқаро конференциянинг бош мавзуси: «КУЧЛИ ИЖТИМОЙ СИЁСАТНИНГ ЎЗБЕКИСТОНГА ХОС ТАЖРИБАСИ»

Келгуси сонларда ўқинг

Жавоб излаётган саволлар
**Хусусий боғчага
қанча тўлаш
керак?**

Келгуси
сонларда ўқинг



Ishonch

Юрт тараққиёти йўлида бирлашайлик!

2018 йил 7 апрель • шанба • № 41 (4014)

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси нашри • Газета 1991 йил 21 мартдан чиқа бошлаган • www.ishonch.uz • e-mail: xatlar@ishonch-doverie.uz

ЯНГИ ҒОЯЛАР ВА ИСЛОҲОТЛАР САМАРАСИ АМАЛИЙ ИФОДАСИНИ ТОПМОҚДА

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 6 апрель кuni Тошкент шаҳрида амалга оширилаётган бунёдкорлик ва ободонлаштириш ишлари билан танишиш, халқ билан мулоқот қилиш мақсадида пойтахтимиз туманларида бўлди.

Давлатимиз раҳбари дастлаб Ўзбекистон Фанлар академиясининг академик Собир Юнусов номидаги Ўсимлик моддалари кимёси институтига ташириш буюрди. Институтнинг асосий йўналишлари, илмий ва ишлаб чиқариш салоҳияти билан танишди.

Ўзбекистон Фанлар академияси Ўсимлик моддалари кимёси институтига табиий бирикмалар кимёси, биологияси ва технологияси соҳасида катта илмий мактаб шаклланди. Бугунги кунда ушбу муассасада 159 илмий ходим табиий бирикмалар кимёсини ўрганиш, улар асосида тиббиёт ва қишлоқ хўжалиги соҳалари учун дори воситалари ҳамда кимёвий препаратлар яратиш борасида фундаментал ва амалий тадқиқотлар олиб бормоқда.

Истиқлол йилларида бу ерда 500 дан ортиқ турдаги ўсимликнинг кимёвий таркиби ўрганилиб, улардан 1 минг 200 дан зиёд модда ажратиб олинган. 246 янги алкалоид, 100 дан ортиқ фенол бирикмалари, 50 дан зиёд терпеноид бирикмаларнинг кимёвий тузилиши исботланган. 5 мингдан ортиқ гетероцикл бирикма синтез қилиниб, уларнинг фаоллиги ўрганилган.

Институт қoшнiдаги тажриба-ишлаб чиқариш қорхонасида 20 га яқин дори воситаси субстанциялари ишлаб чиқарилмоқда, йилга 100 тонна ўсимлик хом ашёси қайта ишланмоқда. 2017 йилда Россия Федерацияси, Франция, АКШ каби давлатларга 2,5 миллион доллардан ортиқ миқдордаги биологик актив субстанциялар экспорт қилинган. Шунингдек, мамлакатимиз фармацевтика қорхоналарига субстанциялар етказиб берилмоқда.

Шавкат Мирзиёев мазкур даргоҳ ўзининг ил-

мий салоҳияти билан нафақат мамлакатимиз, балки Марказий Осиёда етаччи ўринларда туриши, бу ерда яратилаётган янгиликлар фармацевтика саноатини ривожлантиришда муҳим ўрин тутишини таъкидлади.

Давлатимиз раҳбарининг 2016 йил 16 сентябрдаги «2016 — 2020 йилларда республика фармацевтика саноатини янада ривожлантириш чора-тадбирлари дастури тўғрисида»ги қарориди фармацевтика соҳасини ривожлантириш, хориждан келтириладиган дори воситаларини маҳаллий хом ашёдан ажратиб олиш технологияларини ишлаб чиқиш ва уларни чуқур қайта ишлаш асосида янги дори воситалари яратиш юзасидан тегишли вазифалар белгилаб берилган эди. Шунга мувофиқ, Ўсимлик моддалари кимёси институтига халқаро талабларга жавоб берадиган GMP заводи барпо этилмоқда.

Бунинг натижасида йилга 500 тоннадан зиёд ўсимлик хом ашёсини чуқур қайта ишлаш имконияти яратилди. Жорий йилдан 30 дан ортиқ табиий тоза, импорт ўрнини босувчи ва экспортбop дори воситалари ишлаб чиқариш йўлга қўйилди.

Президентимиз мазкур қорхона билан таниши, олимлар томонидан тайёрланган биологик актив субстанцияларни кўздан кечирди.

— Дори субстанциялари фармацевтика саноатининг асосий омилдир. Бунинг учун ўсимликларнинг чуқур қайта ишлаш, жаҳон илмий ютуқларини ўрганган ҳолда, бугунги кунда талаб юқори бўлган препаратларни яратиш, маҳаллийлаштириш даражасини ошириш зарур, — деди Шавкат Мирзиёев.

Давлатимиз раҳбари институт фаоллар за-

лида вазирлик ва идоралар, олий таълим муассасалари ва ЎзФА илмий-тадқиқот институтлари раҳбарлари, академиклар, олимлар, ёш тадқиқотчилар билан мулоқот қилди. Унда мамлакатимизда олимлар, академиклар билан мунтазам учрашиб туриш анъанаси айланиб, Харакалар стратегияси асосида илм-фани ривожлантиришга қаратилаётган катта эътибор бозор иқтисодиёти шaroитида рақобатбардош кадрлар тайёрлаш ҳамда соҳани ривожлантиришда муҳим омил бўлаётгани кайд этилди.

— Ҳамма соҳанинг келажаги сизларга, илм-фанта боғлиқ. Бундан кейин мамлакатимизга келаётган ҳар бир хорижий инвестициянинг муайян фoзи илм-фани ривожлантиришга ва илмий кадрлар тайёрлашга йўналтирилади. Илм-фан ривожлангани эртанги кунимиз ҳақида тасаввур қила оламиз, — деди давлатимиз раҳбари.

Учрашувда сўзга чиққан олимлар Президентимизнинг кuni кеча қабул қилинган «Республика олий таълим ва илмий-тадқиқот муассасалари ходимларининг меҳнатига ҳақ тўлаш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори уларга катта хурсандчилик, моддий ва маънавий рағбат берганини, бундан буюн бор билим, куч-ғайрат ва шижоатини илм-фан ривожига қаратишларини алоҳида қайд этдилар.

Шундан сўнг Президентимиз Яшнобод туманидаги замонавий харбийлар шаҳарчаси қурилиши билан танишди.

Мамлакатимиз мудофаа салоҳиятини юксалтириш борасида амалга оширилаётган ислохотлар жарёида харбий хизматчиларини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, улар учун муносиб турмуш шарoити яратишга доимий эътибор қаратилмоқда.

Пойтахтимизнинг Яшнобод тумани «Олмос» маҳалла фуқаролар йиғини ҳудудида бунёд этилаётган кўп қаватли янги уйлар ҳам ўнлаб харбий хизматчилар оиласига олам-олам қувонч бағишлаши шубҳасиз.

Президентимизнинг 2017 йил 13 январдаги «2017 — 2020 йилларда шаҳарларда арзон кўп квартиралли уйларни қуриш ва реконструкция қилиш дастурини самарали амалга ошириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорига мувофиқ, бу ерда 48 та беш қаватли уй қад ростламоқда.

Лойиҳага кўра, биринчи босқичда 540 хонадонга мўлжалланган 5 қаватли 18 та уй қурилмоқда. Буюртмачи — «Қишлоқ қурилиш инвест» ИК, лойиҳалаштириш ишлари — бош лойиҳачи «Қишлоқ қурилиш лойиҳа» институти томонидан ишлаб чиқилган. Қурилиш-монтаж ишлари 12 та пудрат ташкилоти томонидан тасдиқланган тармоқ жадваллари асосида амалга оширилмоқда.

Бунёдкорлик ишларига 30 дан ортиқ техника ҳамда 2000 га яқин малакали муҳандис ва ишчи ходим жалб қилинган. Бугунги кунга қадар гишт териш ишлари якунланиб, сантехника, пардозлаш ишлари бажарилмоқда.

Давлатимиз раҳбари ҳудудда амалга оширилган бунёдкорлик ишлари, уйларда яратилаётган шарoитлар билан танишди.

Сарҳадларимиз дахлсизлигини ҳимоя қилаётган харбий хизматчиларимиз турмуш шарoитини яхшилаш борасидаги ислохотлар бундан кейин ҳам изчил давом эттирилади, — деди Президентимиз. — Уларнинг фарзандлари таълим-тарбияси ва ижтимоий ҳимояси доимий эътиборимизда бўлади.

Иккинчи босқич доирасидаги 900 хонадонга мўлжалланган 5 қаватли 30 та уй қурилиши ҳам кизгин давом этмоқда. Буюртмачи — «Ўзшаҳар қурилиш инвест» ИК, бош лойиҳачи — «Қишлоқ қурилиш лойиҳа» институти.

Замонавий харбий шаҳарча бўладиган ушбу мавзеда болалар боғчаси, мактаб, поликлиника ва бошқа ижтимоий объектлар ҳам барпо этилади. Уйлар Ватан ҳимоячиларига имтиёзли кредит асосида берилди.

КҮН НАФАСИ

Президентимиз Шавкат Мирзиёев «Балиқчилик тармоғини жадал ривожлантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорини имзолади. Унда балиқчилик тармоғи озик-овқат хавфсизлигини таъминлашнинг стратегик йўналишларидан бири ҳисобланиши таъкидланиб, соҳани янада ривожлантириш учун амалга оширилиши керак бўлган ишлар санаб ўтилган.

Қуйи Чирчиқ тумани ҳокимлигига суд қарори билан берилган мол-мулк ва ер участкалари, шу жумладан, сув хавзалари негизда «Балиқ ишлаб чиқарувчи» эркин иқтисодий зонасини ташкил этиш тўғрисидаги таклифлар маъқулланган. «Балиқ ишлаб чиқарувчи» ЭИЗнинг асосий вазифалари белгилаб берилган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Халқаро мақом санъати анжуманини ўтказиш тўғрисида»ги қарори эълон қилинди.

Унга кўра миллий мақом санъатининг ноёб намуналарини кенг тарғиб қилиш, асраб-авайлаш ва ривожлантириш, ёш авлод қалбига миллий мумтоз санъатимизга ҳурмат ва эътибор туйғуларини камол топтириш, турли халқлар ўртасидаги дўстлик ва биродарлик ришталарини мустаҳкамлаш, ижодий ҳамкорлик, маданий-маънавий муносабатлар доирасини халқаро миқёсда кенгайтириш мақсадида, Шаҳрисабз шаҳрида ҳар икки йилда бир марта ўтказилиши белгиланган Халқаро мақом санъати анжумани биринчи марта 2018 йилнинг 6-10 сентябрь кунлари ўтказиш белгиланди.

Президент Шавкат Мирзиёев томонидан «Ўзбекистон Республикаси Давлат хавфсизлик қисмати тўғрисида»ги Қонуни имзолади.

5 апрелда «Республика олий таълим ва илмий-тадқиқот муассасалари ходимларининг меҳнатига ҳақ тўлаш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Президент қарори қабул қилинди.

Унда 2017 йил 20 апрелдаги «Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида» Президент қарори ижросини таъминлаш, шунингдек, олий таълим ва илмий-тадқиқот муассасалари ходимларининг меҳнатига ҳақ тўлаш тизимини янада такомиллаштириш масалалари ўз аксини топти.

5 апрелда «Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Президент қарори қабул қилинди.

Унга мувофиқ Ўзбекистон Республикасини 2017 — 2021 йилларда ривожлантириш бўйича Харакалар стратегиясида белгиланган асосий вазифаларни, жумладан, «Давлат — маънавиятнинг бош қомийси», деган устувор тамойилни ҳаётга изчил жорий қилиш, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси фаолиятини такомиллаштириш ва унинг иш самаралорини янада ошириш мақсадида қатор вазифалар белгиланган.

Тошкент шаҳрида 2018 йил 5 апрель кuni Қирғизистон Республикаси раислигида Шанхай ҳамкорлик ташкилоти Минтақавий аксилтеррор тузилмаси (ШХТ МАТТ) Кенгашининг ўттинчиси мажлиси бўлиб ўтди. Унда Россия Федерацияси, Хитой Халқ Республикаси, Покистон Исломи Республикаси, Тожикистон, Қирғизистон, Қозоғистон, Ҳиндистон, Ўзбекистон Республикалари ва ШХТ МАТТ Ижроия қўмитаси вакиллари иштирок этди.

Ишчанлик, амалий ва дўстона руҳда ўтган мажлисда қатор муҳим масалалар кўриб чиқилган.

Интернет нашрлари
хабарлари асосида тайёрланди.

Қарордан руҳланиб

Президентимизнинг шу йил 5 апрелда имзолаган «Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори нафақат Ёзувчилар уюшмаси фаолияти, балки мамлакатимиз маънавий муҳити тўбдан янгила-нишига хизмат қилади, десак асло муболага бўлмайд.

Иззат ва эҳтиром гултожи

Таъкидлаш жоизки, кейинги йилларда мамлакатимизда кечаётган шиддатли янгилавишлар ижод ахлига мислсиз илҳом бахш этиб, янгидан-янги қаҳрамонлар, мавзулар кашф қилинишига сабаб бўлмоқда. Мухтарам Президентимизнинг ташаббуси билан Тошкентда Адиблар хиббони бунёд этилди, Ёзувчилар уюшмасининг янги биноси қад ростлади, ҳудудларда алабиётимизнинг ёрқин ва ўлмас сиймолари номдаги мактаблар ташкил қилинди. Мухтасар айтганда, бемисл гамхўрликдан нафақат пойтахтда яшаб ижод қилаётган шоир ва ёзувчилар, балки энг чека ҳудудлардаги ижод ахли ҳам баб-баравар баҳраманд бўлмоқда. Бугунги кунда вилоятимизда 17 нафар Ёзувчилар уюшмаси аъзоси кизгин ижод билан машғул. Ҳаваскор қаламқашлар, ёш ижодкорлар сафи тобора кенгаймоқда.

Сайёр қабуллар: натижа ва ҳулосалар

АДОЛАТ ҲУҚМРОН ЖОЙДА ШИКОЯТГА ЎРИН ЙЎҚ

Президентимиз Шавкат Мирзиёев ғояси билан мамлакатимизда халқ билан фаол ва очиқ мулоқот олиб бориш, жисмоний ва юридик шахслар мурожаатлари билан ишлаш борасида яратилган янги тизим одамларнинг дард-ташвишларини тинглаш, муаммоларини ҳал қилишдек эзгу мақсадларга хизмат қилмоқда. Давлатимиз раҳбари топшириғига асосан суд, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ва назорат органлари ҳамда тижорат банклари раҳбарлари 2017 йилнинг июль-декабрь ойларида юртимизнинг барча ҳудудларида ўтказган сайёр қабулларда ҳам бу жиҳатлар яна бир бор ўз исботини топди.

Тадбирларда асосий эътибор одамларни қийнаб келаётган турли муаммоларни ижобий ҳал қилиш асосида коррупцияга қарши курашиш, унинг олдини олиш, ижтимоий-иқтисодий ва ҳуқуқий соҳаларда коррупцион ҳолатларни келтириб чиқариш мумкин бўлган муаммоларни чуқур ўрганиш ва барта-раф этишга қаратилди.

Очиқ мулоқотларда 58 мингдан зиёд фуқаро ва тадбиркордан турли масалаларга оид 32 минг 176 шикоят, ариза ва таклифлар келиб тушган. Мурожаатлар асосан банк кредитлари (8 мингдан зиёд — 25 фоиз), ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ва суд органлари қарорларидан норозилик (7 мингдан ортиғи — 22 фоиз), бандлик ва иш ҳақи тўловлари (3 минг 973 — 12 фоиз), тадбиркор-

лик (3 минг 350 — 10 фоиз), уй-жой ва ер участкалари ажратиш (2 минг 473 — 8 фоиз), электр ва газ таъминоти (1 минг 238 — 4 фоиз), моддий ёрдам (889 — 3 фоиз) каби масалаларга оиддир.

Ҳозиргача мурожаатларнинг 96 фоизи, яъни 30 минг 876 таси ҳал этилган. Улардан 8 минг 326 таси соҳалар фаолиятига оид таклиф ва тавсиялардан иборат.

КОРРУПЦИЯ — ТАРАҚҚИЁТ ЙЎЛИДАГИ ҒОВ

Коррупция — ҳар қандай давлат ва жамиятда тараққиёт оёғига солинган қишан. Сайёр қабуллар жараёнида коррупция ҳолатлари ҳақида 118 шикоят келиб тушгани бу борда қилинажак ишлар хали кўп эканини, порахўрлик, таъмагирлик, ўз мансаб ваколатини суистеъмол қилиш билан боғ-

лиқ иллатлар жамиятимизда нечоғли илдиэ отиб кетганининг яна бир исботидир. Барча мурожаатлар бўйича тегишли идораларда хизмат текширувлари олиб борилган. Уларда солиқ тизими (65 фоиз), тиббиёт (8 фоиз), маҳаллий ҳокимликлар (7 фоиз), ҳудудий газ таъминоти қорхоналари, ер ресурслари ва давлат кадастри (3 фоиз), бошқа қорхона ва ташкилотлар (13 фоиз) ходимларининг ноқонуний хатти-ҳаракатларидан арз қилиниб, адолатни қарор топтириш сўралган. Мазкур мурожаатлар бўйича тегишли қонуний чоралар қўрилган. Хусусан, айбдорлиги аниқланган ҳодим ва мутахассислардан 34 нафари эғаллаб турган лавозимидан озод қилинган, 16 нафари интизомий жазога тортилган, 3 ҳолатда жиноят иши қўзғатилган.





АДОЛАТ ҲУҚМРОН ЖОЙДА ШИКОЯТГА ЎРИН ЙЎҚ

41

Мисол учун, Қарши туманида тadbirkор Анвар Халимов туман давлат солиқ инспекцияси инспектори С.Ахмедов 2015 йилда унинг савдо дўконидан 519 минг сўмлик махсулот олиб, пулини шу пайтгача бермай келаётганидан шикоят қилган. Ўрганишлар натижасида тadbirkорга пуллари тўлаб берилган, мансаб ваколатини суниестемол қилган С.Ахмедовга нисбатан интизомий жазо чораси қўрилган. Навоий шаҳрида яшовчи Исмоил Жабборов шахар ДСИ ходими Абдулазиз Яхшиликковга мол-мулк ва ер солиғи учун 273 минг сўм бергани, бироқ бу маблаг унинг шахсий варакасига киритилмаганидан норози бўлиб мурожаат қилган. Ўрганишлар жараёнида ҳақиқат қарор топган: фуқароннинг мол-мулк ва ер солиғи учун тўлаган маблагини унинг шахсий ҳисоб варағига тўлиқ киритилган, ДСИ ходими А.Яхшиликков билан тузилган меҳнат шартномаси бекор қилинган.

Хоразм вилояти Янгирик тумани ДСИ ходими М.Давлетов ҳам худди шу тахлиф тadbirkор Султонпошша Шарипова тadbirkорлик фаолияти учун тўлаган 600 минг сўмининг жигидлигига урган экан. С.Шарипованинг турмуш ўртоғи Ғуломжон Юсуповнинг мурожаати асосида тўловлар тadbirkорнинг шахсий ҳисоб варағига қилинган, ДСИ ходими М.Давлетов ишдан четлаштирилган.

Самарқанд вилоятида ўтказилган сайёр қабулда Тайлоқ тумани «Қўрғонча» кишлоқ фуқаролар йиғинида яшовчи Комила Кодированинг шикояти ўрганилганда, Тайлоқ тумани ДСИ инспектори М.Рахмоновнинг ёрдамчиси Нуралихон Саъдуллаев ушбу фуқародан мол-мулк ва ер солиғи учун 100 АҚШ доллари ва 100 минг сўм олиб, 100 минг сўмга Халқ банкнинг тўлов қвонитанишини бергани, «қўюқ» эса «қўжайин»га элтиб бергани аниқланган. Мазкур ҳолат юзасидан хизмат текшируви ўтказилган, М.Рахмонов эгалиб турган лавозимидан озод этилган, хулоса ва тўпланган ҳужжатлар Тайлоқ тумани прокуратурасига юборилган. Тошкент вилоятининг Бўстонлиқ туманида яшовчи Зокиржон Ҳакимов сайёр қабулда шикоят қилишчи, Тошкент шаҳри Яшнобод тумани давлат солиқ инспекцияси ходими Д.Каримов ундан нақдлаштириб бериш мақсадида ичда 30 миллион сўм пули бор пластик картчасини олган. Унинг 6 миллион сўмининг нақдлаштириб берган, қолган 24 миллион сўмининг қайтармаган. Хизмат текшируви хулосалари асосида Д.Каримов билан тузилган меҳнат шартномаси бекор қилиниб, тўпланган ҳужжатлар Тошкент шаҳар прокуратурасига юборилган.

АДОЛАТНИНГ ЎЗУН ЙЎЛИ... ҚИСКАРМОҚДА

Мамлакатимизда ҳар қайси ҳуқуқни муҳофаза қилиш органи бевосита ўз ваколати доирасидан чиқмайди, бир-бирининг функциясини тақриблимайдиган тизим шакллантирилмоқда. Шу мақсадда ўтган даврда суд, прокуратура, ички ишлар органлари фаолиятини тубдан ислоҳ қилиш бўйича кенг қўламли ишлар амалга оширилди. Ушбу идораларнинг вазибалари аниқ белгиланиб, уларнинг фаолияти халқ манфаатларига хизмат қилишга йўналтирилмоқда.

Бироқ Президентимиз Шавкат Мирзиёев Олий Мажлисга Мурожаатномасида таъкидлагандек, «бу борада қабул қилинган қатор қонун, қарор ва қарорларимиз ҳаётга тўлиқ таътиқ этилди, дейишга, албатта, ҳали эрта. Қўрилаётган қарорларга қарамадан, ички ишлар идоралари ҳали чинакам «Халқпарвар ички ишлар идоралари»га айланишга йўқ. Прокуратура органларининг эса жамиятда қонун устуворлигини таъминлаш борасидаги фаолияти етарли эмас. Суд идоралари ҳали-ҳамон ҳар қандай ҳолатда адолат қарор топадиган масканга айланишга йўқ».

Ҳаётнинг бу аччиқ ҳақиқатларига мазкур тузилмалар раҳбарлари худудларда ўтказилган сайёр қабулларда ҳам тақдор-тақдор амин бўлиб. Бу жараёнда ички ишлар вазирлиги 3 минг 735 (12 фоиз), Бош прокуратура 7 минг 182 (жами мурожаатнинг 22 фоизи), Олий суд 4 минг 426 (14 фоиз) мурожаатни қўриб чиққан.

Ички ишлар вазирлиги раҳбарлари сайёр қабулларда фуқаролар ва тadbirkорларнинг турли мазмундаги 3 минг 735 мурожаатини қабул қилган. Мурожаатлардан энг кўпи — ички ишлар органларига ишга қайта тиклаш (1 минг 362 та), мазкур тизимга ишга кириш (243 та), терговга қадар текширув, дастлабки тергов ва суриштирув (541 та), паспорт-виза (394 та) масалаларига оидлигини кўрсатди. Қўрилган чора-тадбирлар натижасида 340 масала сайёр қабулдан сўнг ечим топишган.

бул жараёнида ижобий ҳал этилган, 731 мурожаатга қабулдан сўнг ечим топишган.

Аниқ мисолларга мурожаат этсак: Сурхондарё вилоятида ўтказилган сайёр қабулда термизлик ўрол Қодиров Ички ишлар вазирлиги мутасаддиларига ўғли Чори Қодиров 2017 йили автохалокат туфайли вафот этгани, айбдор ҳайдовчига нисбатан тегишли чора қўрилмаётганидан норози бўлиб шикоят қилган. Ўрганишлар жараёнида мурожаатчининг важдари асосида деб топишган, ҳайдовчига нисбатан айблов эълон қилиниб, у қамоққа олиниган. Қорақалпоғистон Республикаси Нукус шаҳрида яшовчи Баҳром Хўжаниязов 2013 йили ички ишлар органларидан ноҳақ бўшатилганини баён қилиб, ишга қайта тиклашни сўраган. Мазкур мурожаат атрофлича ўрганилиб, унинг ишга қайта қабул қилиниши ҳақида хулоса тасдиқланган.

Бош прокуратурага келиб тушган мурожаатлардан 7 минг 117 таси ижобий ҳал қилинган, қолгани қўриб чиқилмоқда. Ҳуқуқий идоралар ва суд қарорларидан норозилик бўйича 1 минг 733, уй-жой ва ер майдонларига оид 1 минг 155, бандлик ва иш ҳақи масаласида 1 минг 40 мурожаат келиб тушган. Электр, газ ва ёнилғи таъминоти (529), моддий ёрдам (508), тadbirkорлик, терминал ва пластик карта, нақд пул, валюта амалиёти (437), банк кредити (301), соғлиқни сақлаш (280), таълим (260), кишлоқ хўжалиги (229), молия, солиқ, қарздорликни ундириш (220), объект қуриш, кўчириш ва реконструкция (194), оила, маънавий ва маҳалла (148) масалаларида ҳам мурожаатлар қабул тушган.

Бунинг натижасида 224 фуқарога уй-жой, 323 кишига 163 миллион 609 минг сўмлик моддий ёрдам ажратилган, 360 шахс иш билан таъминланган. Судларга 1 миллиард 680 миллион сўмлик 65 даъво аризаси киритилган, 24 киши маъмурий ва интизомий жавобгарликка тортилган. Жиддий қонунобузилиш ҳолатлари бўйича 57 жиноят иши қўзғатилган. 114 фуқаронинг ордери олиб, шифохона ёки санаторияда имтиёзли даволаниши таъминланган. Тadbirkорликка оид масалалар юзасидан 417 мурожаат қаноатлантирилган.

Яна бир мисол: Жиззах вилоятида ўтказилган сайёр қабулда давлат ва жамоат эҳтиёжлари учун ер участкалари олиб қўйилиши мурожаати билан уй-жой ва бошқа объектлар бузилиши оқибатида 322 жисмоний ва юридик шахсга жами 16 миллиард 456 миллион сўмлик компенсация пуллари 3 йилдан бери тўланмай келаётгани аниқланган. Бош прокуратура аралашуви билан мазкур қарздорликни қоплаш учун республика бюджетидан 13 миллиард сўм, маҳаллий бюджетдан 3 миллиард 456 миллион сўм ажратилиши таъминланган.

Наманган вилояти Учқўрғон туманида фаолият қўрастуви «Қўғай тешилки» МЧЖ раҳбари Ҳасанбой Келдибеков Бош прокуратура мутасаддиларига иссиқхона ташкил этиш учун Халқ банкнинг Учқўрғон филиалидан 500 миллион сўм кредит олиш муаммо бўлаётганидан шикоят қилган. Мурожаат қўриб чиқилган, тadbirkорнинг қонуний талаби қаноатлантирилиб, кредит ажратилган.

Навоий вилояти Қармана тумани «Зиёкор» маҳалла фуқаролар йиғинида яшовчи фуқаро Дилбар Ҳантованинг уйда ичимлик суви йўқлиги ва сув билан таъминлашни сўраб қилган мурожаати вилоят прокуратураси томонидан ўрганилган, мазкур худуддаги 12 наҳондон ичимлик суви билан таъминланган.

Қорақалпоғистон Республикаси Қўнғирот туманида яшовчи фуқаро З.Фозилбекованинг мурожаати асосида тумандаги авария ҳолатига келиб қолган 39-мактабни таъмирлаш учун 361 миллион сўм ажратилган, 5-мактабга таълим муассасасини қайта таъмирлаш 2018 йил ижтимоий-иқтисодий ривожланиш дастурига киритилган.

Наманган вилояти Чуст туманида фуқаро Ш.Алиевга доривор қовул ўсимлиги етиштириш ва интенсиб бoғ ташкил этиш учун 50 гектар ер ажратилган.

Олий суд раҳбарияти сайёр қабулларда 4 минг 426 мурожаатни қўриб чиққан, уларнинг 834 таси жиноят, 689 таси фуқаролик, 108 таси маъмурий, 82 таси иқтисодий ишлар бўйича судларга тегишлидир. Суд тизимига энг кўп мурожаат Тошкент шаҳри

(307), Қашқадарё (192), Сурхондарё (166) вилоятларидан келиб тушган.

Мурожаатларнинг аксарияти дастлабки тергов ва судларнинг қарорлари, суд қарорларининг ижроси юзасидан билдирилган. Шунингдек, тергов ва суд жараёнлари тўлиқ ўтказилмагани, далиллар макбул-лилигига риоя этилмагани фуқароларнинг ҳақиқатнозорилигига сабаб бўлган. Суд ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралар ходимларининг муомала маданияти анча пастлиги, фуқароларга қўпол муносабатда бўлиши, тарафларнинг важдарини қўл билан тингламаслиги ҳам фуқароларнинг шикоят қилишларига сабаб бўлмоқда. Тadbirkорлар, фуқаролар билан давлат идоралари ўртасида ер майдонлари ва бино-иншоотларнинг эгаллиги тўғрисидаги низолар бўйича ҳам қўллаб-қўллаб мурожаатлар келиб тушган.

Фуқаролардан келиб тушган мурожаатлар юзасидан қўрилган чора-тадбирлар натижасида Олий суд раҳбарияти қўйи суд ҳужжатларига нисбатан жами 596 протест киритган. Уларнинг 234 таси фуқаролик, 204 таси жиноят, 114 таси иқтисодий ишлар бўйича бўлиб, 44 маъмурий ишнинг жазоси енгилроғи билан алмаштирилган.

ҲАР БИР СОҲАДА ҚОНУН УСТУВОР БЎЛМОҒИ ЛОЗИМ

Сайёр қабуллар жараёнида Адлия вазирлиги раҳбарлари 2 минг 729 (жами мурожаатнинг 9 фоизи), Давлат солиқ қўмитаси мутасаддилари 2 минг 354 (7 фоиз), Давлат божхона қўмитаси раҳбарияти 1 минг 112 (3 фоиз) мурожаатни қўриб чиққан.

Адлия вазирлигига келиб тушган мурожаатлардан 854 таси жойида ҳал этилган. Бунинг натижасида 486 шахснинг бузилган ҳуқуқлари тикланган, 18 оиланинг уй-жой ва ер участкаси олиштига, 70 фуқаронинг ишли бўлишига, 39 кишига моддий ёрдам ажратилишига, 85 фуқарога қасалхона ва санаторияларда даволаниши учун ордери берилишига, 69 фуқаронинг тadbirkорлик фаолияти билан шуғулланишда дуч келаётган муаммолари ҳал бўлишига амалий қўмак берилган.

Аҳолидан келиб тушган мурожаатлар турли мазмунда, аммо барчаси вилоятлар аҳолисини анчадан бери ташвишлантираётган муаммолардир. Фуқароларнинг қариндашларини ешитиш, уларга амалий ёрдам қўрастуриш асосий мақсад қилган сайёр қабуллардаги мурожаатлар, уларнинг натижалари ҳақида айрим мисолларни келтириб ўтиш мумкин. Масалан, 1993 йилдан буён Ўзбекистонда яшаб келаётган Россия фуқароси Екатерина Бердиева фарзандига паспорт олиш учун амалий ёрдам сўраган. Аёнинг мурожаати қаноатлантирилиб, фарзандига паспорт берилган. Сирдарёлик Мухаббат Орипова фарзандига ногиронлик аравачаси олишда амалий ёрдам сўраган. Бу муаммо ҳам зудлик билан ҳал этилган.

Мурожаат қилувчилар орасида нафақат ўз муаммоси, балки одамларнинг, кишлоқ аҳолисининг яхши шарафиди яхшилаш таъминлашга ҳаракат қилиб, хайрли ишларга бел боғлаганлар ҳам анчагина. Шундай инсонлардан бири — Хоразм вилоятида яшовчи Олимбой Ёқубов маҳалласига ичимлик суви келтиришда амалий ёрдам сўраган. Заҳкашларни қазиб бериш ва маҳаллада болалар бoғчаси қуриш тақдирини киритган. Бу мурожаат юзасидан Ҳазорасп тумани ҳокимлиги амалий ишларни бошлаб юборган.

Худудларда бўлиб ўтган очик мулоқотларда Давлат солиқ қўмитаси мутасаддилари уй-жой, ижтимоий муҳофаза, таълим, тиббиёт, ҳуқуқ-тартиб, банклар фаолияти, ишга жойлаштириш ва бошқа ижтимоий-иқтисодий масалаларга оид қўллаб-қўллаб мурожаатларни жойида ҳал этган.

Аниқ мисолларга ўтсак. Тошкент вилояти Янгийўл туманида яшовчи фуқаро М.Шокированинг тақдирига мувофиқ, Янгийўл тумани марказий шифохонасининг болалар бўлимига ҳомийлар маблагини ҳисобидан «небулайзер» ингалиция аппарати олиб берилган. Тошкент шаҳри Олмазор туманида яшовчи фуқаро Б.Тешабоев ўнг оёғида жароҳатли амалиёт ўтказиш учун имконияти йўқлигини айтиб, амалий ёрдам сўраган. Мазкур мурожаат қўриб чиқилган, фуқаро Б.Тешабоев Ногиронларни реабилитация қилиш ва протезлаш илмий марказида бепул даволаниб чиққан. Унинг ўнг оёғига ҳомийлик ҳисобидан 11 миллион сўмга протез буюми олиб берилган.

Яна бир мисол, Қашқадарё вилояти Қамаш туманидан тadbirkор Замира Нормуҳинова мурожаат қилиб, 2017 йили «Агробанк» ажратган 74 миллион сўм кредитнинг фақат 30 миллион сўмининг олгани, қолган 44 миллион сўм кредитни банк ресурс йўқ, деган ваъд билан бермаётганидан арга қилган. Ўрганишлар натижасида тadbirkорга «Агробанк»нинг



Қамаш тумани филиалидан 44 миллион сўм кредит олиб берилган.

Давлат божхона қўмитаси мутасаддилари сайёр қабулларда умид билан эшик қоккан 1,1 мингдан ортиқ одамнинг қариндашларига қўл қўйган. Турли расмийликлардан ҳоли, давоми маъруза ва узундан-узун ҳисоботларсиз ташкил этилган ушбу очик мулоқотларда фақат таъминотидаги иқтисодий фаолият иштирокчилари эмас, балки жамиятимизнинг барча қатламига мансуб юртдошларимиз — кексалар, ўқитувчилар, шифокорлар, ёшлар, талабалар ва бошқалар бемалол иштирок этган. Кимдир раҳбарларнинг ўринсиз хатти-ҳаракатидан норози, кимдир порахўрликдан наҳот сўраган, яна кимнингдир уй-жой муаммоси бўлса, бошқа бири дори-дармонга муҳтож...

Агар ҳуқуқроқ таҳлил қилинса, мурожаат эгаларининг салкам 24 фоизи тadbirkорлик соҳасидаги қийинчиликлар, хусусан, терминал, пластик картчалар, нақд пул ечимини ва валюта амалиётидаги бюрократик тўсиқлардан арг қилган, 15 фоиз мурожаат меҳнат, бандлик ва иш ҳақи масалаларида бўлган. Мурожаатларнинг 12 фоиздан ортиғи электр, газ ва ёнилғи таъминотидаги узиллишлар билан боғлиқ.

Қўрилган чора-тадбирлар натижасида мазкур мурожаатларнинг 967 таси, яъни салкам 87 фоизи қисқа фурсатда ижобий ечимини топган. Хусусан, термизлик Шамсиддин Шарипов айна сайёр қабуллардаги мурожаатлари асосида божхона органлари хизматига қабул қилинган. Термиз шаҳри Нукус кўчаси 12-уйда яшовчи Мунаввар Раҳимованинг мурожаати асосида унинг яшаб турган уйи бузилишига тушгани бoғс оиласига 8 сотих ер майдони ажратиб берилган.

БАНКЛАР ТАДБИРКОРЛАГА ПЕШВОЗ ЧИҚМОҚДА

Сайёр қабуллар тadbirkорлар учун ўзига хос «мулоқот майдончаси» шаклланишига, банк тизимига мавжуд муаммоларни ич-ичидан ўрганиш, банк хизматлари бўйича аниқ тақдирлар тайёрлаш, қўйилган масалаларга асосланиб, тизимдаги бошқарув қарорлари ва тартибларини қайта қўриб чиқишга ёрдам берди.

Айнан шундай очик мулоқотлар самарасида 3 мингдан зиёд фуқаро ва тadbirkорлик субъектига 488 миллион сўм кредит маблаглари ажратилиши таъминланган, 5 минг 642 мурожаатчининг нақд пул муомаласи, 268 фуқаронинг валюта операцияларига оид масалалари ҳал этилгани бунинг яққол далилидир.

Тижорат банклари раҳбарияти 10 минг 638 мурожаатни қўриб чиққан, бу жами мурожаатларнинг 33 фоизини ташкил қилади. Ушбу мурожаатларнинг асосий қисми банк кредитлари (7 минг 121), тadbirkорлик, терминал ва пластик карта, нақд пул, валюта амалиёти (2 минг 306), қарздорликни ундириш (164), объект қуриш, кўчириш ва қайта таъмирлаш (40), автосалондан автомашини олиш (28) ва бошқа масалалар тўғрисида бўлиб, уларнинг 10 минг 207 таси ижобий ҳал этилган.

Андижон вилояти Шахрихон туманидаги «Мега Экспресс Лёкс» МЧЖ балиқчилик фаолиятини ривожлантириш мақсадида ҳовуз қуриш учун 250 миллион сўм, андижонлик тadbirkор Машхурбек Қимсанова бўш турган бинода музлаткичи омборхона ташкил қилиш учун 500 миллион сўм кредит ажратилган.

Бухоро шаҳридаги «Selen Production» МЧЖга пластик махсулотлар ишлаб чиқаришни кенгайтириш мақсадида 1,6 миллиард сўм, Ромитан тумани «Қўхна Бухоро» фермер хўжалиги раҳбари Шухрат Нозимовга иссиқхона қуриш учун 1,1 миллиард сўм миқдорда кредит ажратилишда амалий ёрдам қўрастурилган. Бугун икки тadbirkор ҳам ўз фаолиятини кенгайтириб, ички бозорга махсулот етказиб бермоқда.

Жиззах вилояти Зафаробод тумани «Анхор ости-

даги сув париси» хусусий қорхонаси раҳбари Ўтагул Бойжоновга тўйхона хизматини ташкил этиш учун 100 миллион сўм кредит ажратилган. Айни пайтда тўйхона замонавий жиҳозланиб, халққа хизмат қилмоқда. Худди шу каби сайёр қабуллардаги мурожаатлар натижасида Жиззах вилояти Шароф Рашидов туманидан тadbirkор Жамшидбек Хайруллаев 80 миллион сўм кредит эвазига спорт кийимлари ишлаб чиқаришни йўлга қўйган бўлса, Навоий вилояти Қармана туманидаги «Қармана Олмазор» МЧЖ раҳбари Ж.Қосимов 800 миллион сўмлик банк кредити эвазига иссиқхона қуриб, қўчат парваришларига моқда. Навоий шаҳрида тadbirkор Фахриддин Хирочов сайёр қабулдаги мурожаатидан сўнг 1 миллион сўм кредит олиб, янги клиника қурмоқда.

Республика молия, бандлик, қасаба уюмлари, банк ва бошқа мутасадди идоралар томонидан маълумат бўйича аниқланган, кредит олиш ис-тагини билдирган кам таъминланган 5 минг 771 оилга 33,3 миллиард сўм миқдорда имтиёзли кредитлар ажратилиши таъминланган. Шу билан бирга, мамлакатимизнинг барча туманларида ўтказилган хатлов натижасида бўш турган 1 минг 832 бино ва иншоот аниқланиб, улардан мақсадли фойдаланиш бўйича ташаббускорлар ва банк кредитлари ҳисобидан 734 миллиард сўмлик 1 минг 485 лойиҳа ишлаб чиқилган.

Ҳозирги кунда лойиҳалардан 415 таси бўйича тармок жадаллари ишлаб чиқилиб, ҳокимиятлар томонидан тасдиқланган. Ушбу лойиҳаларнинг умумий қиймати 95,8 миллиард сўм бўлгани ҳолда, 63,7 миллиард сўми ташаббускорларнинг ўз маблаглари ҳисобидан амалга оширилиши белгиланган.

Бундан ташқари, сайёр қабуллар натижасида жами 596 фуқаронинг электр ва газ таъминотида оид муаммолари ҳал этилган, 373 оилга уй-жой ва ер участкаси ажратилган, 622 фуқаро ишга жойлаштирилган, 302 фуқарога 210 миллион сўмлик моддий ёрдам қўрастилган.

САЙЁР ҚАБУЛЛАРДАН ОЛИНГАН ХУЛОСАЛАР НИМАЛАРДАН ИБОРАТ?

Авалло, сайёр қабуллар натижасида узок вақтдан бери аҳолини қийнаб келаётган турли муаммолар юзга чиқмоқда. Оқдид одамлар ҳаётга дахлдор масалалардан тортиб ижтимоий-иқтисодий аҳамиятга молик масалаларга ечим топишмоқда. Муаммоларга тик қараб, уларни ҳал қилишга киришилгани мамлакатимизда тараккиятнинг янги босқичига ўтилганидан адолат бўлиш билан бирга, халқнинг ҳаётга, давлатга, жамиятга, келажакка ишончини янада мустаҳкамламоқда.


Очик мулоқотлар исботлаган ҳақиқатлардан яна бири шуки, қонун устуворлиги жамият тараккияти, фуқаролар ҳуқуқ ва эркинлигини таъминлашнинг энг бирламчи воситасидир. Инсон ҳуқуқлари ва эркинликлари амалда таъминланиши учун қонунлар тўла ва сифатли ижро қилиниши лозим.

Мазкур қабуллар аҳоли онгига коррупцияга нисбатан муросасизлигини шакллантириш жамиятимиздаги коррупциявий омилларни бартараф этишни муҳим воситаси эканини ҳам қўрсатди.

Бир сўз билан айтганда, адолат ва қонунийлик — халқ ва мамлакат хотиржамлигининг асоси. Бугун мамлакатимизда амалга

оширилаётган ислохотлардан асосий мақсад жамиятимизда тинчлик ва фаровонлиқни мустаҳкамлаш, одамларни, халқимизни ҳаётдан рози қилишдан иборат. Бундай сайёр қабуллар ва очик мулоқотлар ҳар бир нарсани ўз номи билан айтиш — ҳақиқатноҳадан, оқ ва қорани ажратишда, фуқароларнинг мурожаатларини қисқа муддатда сингчиқлаб қўриб чиқиб, ҳал этишда катта имкониятлар яратмоқда. Зотан, ҳар бир мурожаат ўзаро мулоқотга, мулоқот эса қизгин муҳокамага йўл очади, бу жамиятимизда адолат барқарорлигини таъминлашда муҳим аҳамиятга эга. Адолат ҳукмрон жойда шикоятга ўрин қолмайди.

ЎЗА



Талабларингизга биноан, «Ishonch» газетаси 2018 йилининг апрелидан сотувга чиқарилади.

ЯНГИ ҒОЯЛАР ВА ИСЛОҲОТЛАР САМАРАСИ АМАЛИЙ ИФОДАСИНИ ТОПМОҚДА

41

Шавкат Мирзиёев уйлари ўз вақтида ва си-
фатли қилиб яқунлаш юзасидан мутасаддиларга
топшириқлар берди. Шу ерда ҳуқуқни муҳофаза
қилиш органлари мутасаддилари билан мулоқот
қилди.

Давлатимиз раҳбари Яшнобод туманидаги
Мухаммад ал-Хоразмий номидаги ахборот-комму-
никация технологиялари йўналишига оид фанларни
чуқурлаштириб ўқитишга ихтисослаштирилган мак-
табнинг қурилиш лойиҳаси билан танишди. Мактаб
биноси Президентимизнинг 2017 йил 14 сентябрдаги
«Мухаммад ал-Хоразмий номидаги ахборот-комму-
никация технологиялари йўналишига оид фанларни
чуқурлаштириб ўқитишга ихтисослаштирилган мак-
табни ташкил этиш тўғрисидаги қарорига мувофиқ
қурилмоқда.

Қурилиш-монтаж ишлари «Юксак парвоз қури-
лиш» масъулияти чекланган жамияти курувчилари
томонидан амалга оширилмаган мактаб 1 минг
470 ўқувчига мўлжалланган. Бундан ташқари, ви-
лоятлардан келиб ўқийдиган ўқувчилар учун 300
ўринли ётоқхона ҳам қурилади. Мактабда ўқувчи-
ларнинг пухта билим олиши учун барча шароит
яратилади. Жумладан, мустақил ишлаши, қобили-
ятини ривожлантириши учун махсус ускуналар билан
жарҳозланган қўшимча хоналар, аудиториялар,
табиий фанлар лабораториялари, информатика хо-
налари, робототехника устахоналари, спорт май-
дончалари ҳамда сузиш ҳавзаси барпо этилади.
Шунингдек, ҳар бири 500 ўринга мўлжалланган
фаоллар зали, ошхона ҳамда 20 минг китоб фон-
дига эга кутубхона ўқувчилар ихтиёрида бўлади.

Маъмурият ихтисослаштирилган мактабнинг та-
шқил этилиши мамлакатимизда ахборот-коммуни-
кация технологиялари соҳасида кадрлар тайёрлаш,
ёшларни буюк аждодларимизга муносиб ворислар
этиб тарбиялаш ва замон талабларига жавоб бера-
диган мутахассисларга бўлган эҳтиёжни қонди-
ришга хизмат қилади.

— Энг яхши мутахассислар тайёрлайдиган
марказ шу ерда бўлади. Ушбу мактабга вилоятдан
иктидорли болаларни танлов асосида қабул қилиш
лозим. Бу ерда шундай муҳит яратили керакки, улар

таълими асосан электрон воситалар орқали ол-
син, — деди Президентимиз.

Шавкат Мирзиёев 2017 йилнинг 28 октябр
куни пойтахтимизнинг Яшнобод туманида қу-
риб битказилган «Ашқобод сайилгоҳи»ни бориб
қўрган, сайилгоҳ атрофи, унга туташ худудларни
янада ободонлаштириш бўйича мутасаддиларга
топшириқлар берган эди.

Давлатимиз раҳбарининг топшириғига асо-
сан бу ерда замонавий маданият ва истироҳат боғи
мажмуасининг иккинчи босқич қурилиш ишлари
бошлаб юборилди. Умумий майдони 12 гектарлик
сайилгоҳ ичида 26 та аттракцион бўлган 1 та усти
ёпик иншоот, очик тилдаги 31 та ўйин аттракци-
онлари, нурунийлар маскани, совғалар дўкони ва
бошқа савдо шохобчалари қурилади.

Президентимиз «Ашқобод сайилгоҳи»да олиб
борилаётган ишлар билан танишди.

Сайилгоҳга қираверишда туркман миллати-
нинг мардлик ва жасорат тимсоли бўлган ахлате-
ке отлари акс этган яхлит композиция барпо
этилган. Бу ердаги жиҳозлар туркман миллий
меъморлик анъаналарини ўзида мужассам эт-
ган бўлиб, қарағай, қрим қарағайи, ҳинд си-
рени, эман, каштан, магнолия, аризона кипа-
рис, сальвия, мовий арчалар экилган. Ташриф
бююрувчиларнинг кўнгилли хордик чиқариши
учун ўриндиклар, велойўлаклар, фавворалар ўр-
натилган. Амфитеатр ва кафе ташриф бююрувчи-
ларга мунтазир.

Қурилиш ишларига 24 техника ва 500 га яқин
малакали ишчи-муҳандис жалб қилинган.

«Ашқобод сайилгоҳи» замонавий маданият
ва истироҳат боғи мажмуасида 180 иш ўрни
яратилиш кўзда тутилган бўлиб, боғ яқин қуларда
фойдаланишга топширилиши кутилмоқда.

Давлатимиз раҳбари «Toshkent City» халқаро иш-
билармонлик маркази ҳудудида барпо этилаётган замона-
вий иншоотлар қурилиши билан танишди.

Давр шиддат билан ўзгариб, замонавий техно-
логиялар ҳаётимизга тобора чуқур кириб келаётган
ҳозирги кунда шаҳарсозликда инновацион лойиҳа-
лар, янги қурилиш усуллари ва ёндашувлар пайдо
бўлмоқда. Бундай ёндашувлар ривожланган дав-

латларда «Келажак шаҳри» ёки «Янги шаҳар» деб
атаймоқда.

Пойтахтимизнинг Алишер Навоий, Олмасор,
Ислом Каримов ва Фурқат кўчалари оралиғидаги
80 гектар ҳудудда барпо этилаётган «Toshkent
City» халқаро ишбилармонлик маркази шундай
замонавий марказлардан бўлади. Лойиҳага муво-
фиқ, бу ерда бизнес-марказлар, савдо мажмуалари,
меҳмонхоналар, офислар, Конгресс-холл, кўргазма
заллари, кўп қаватли замонавий ўйлар, ижтимоий
ва бошқа объектлар барпо этилади.

Бугунги кунда «Toshkent City» ҳудудида
Конгресс-холл ва замонавий меҳмонхона қури-
лиши жадал суръатларда олиб борилаётган. Кон-
гресс-холл олий мартабали меҳмонлар ишти-
рокчида халқаро анжуманларни ўтказишга мўл-
жалланган бўлиб, ҳозирги пайтда хорижийлик
курувчи-муҳандислар томонидан «Jet grout» техно-
логияси асосида қозик қокшиш ва пойдевор
қўйиш ишлари бажарилаётган.

Йиғирма қаватдан иборат беш юлдузли меҳмон-
хона энг замонавий қулайликларни ўзида мужассам
этади. Ушбу меҳмонхонада ҳам нуфузли анжуман-
лар ўтказиш учун заллар, рестороанлар, салонлар,
бассейнлар қурилади. Иккала иншоотдан бир-бирига
махсус кўприк орқали ўтиш мумкин бўлади.

Президентимиз лойиҳалар билан танишар экан,
маъмурият иншоотларини энг замонавий технологиялар
ва меъморлик андозалари асосида барпо этиш за-
рурлигини таъкидлади.

— «Toshkent City» шаҳар ичидаги янги шаҳар
бўлиши керак, бу шаҳарча катта суръатлар билан
ривожланаётган Ўзбекистонимизнинг бор салоҳи-
ятини ўзида тўла намойён этиши зарур, — деди
Шавкат Мирзиёев.

Қурилиш тезлаштириш, иншоотларни 2019
йил август ойида фойдаланишга топшириш юзаси-
дан топшириқлар берилди.

Мамлакатимизда амалга оширилаётган улкан
бунёдкорлик ишлари, рўй бераётган ўзгариш ва ян-
гиликлар Ватанимизнинг юксак иқтисодий са-
лоҳиятини намойён этиб, халқимиз фаровонлигини
янада оширишга хизмат қилади.

ЎЗА

Абитуриентлар диққатига!

Давлат тест маркази айна пайтда кўпчилиликни қизиқти-
раётган масала — жорий йилги имтиҳон жараёнларига
киритилаётган ўзгариш ва янгиликларга оидинлик ки-
ритди.

Тест топшириш қоидаларида

ЯНГИЛИК

Тест синовларининг ҳаққоний ва шаффоф
ўтиши, ҳар бир абитуриентга етарлиқ ша-
роит яратилиши ҳамда тест натижаларини
эълон қилиш жараёнини ҳар жиҳатдан мақбул
тарзда ўтказиш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси-
нинг «Олий таълим муассасаларига ўқишга қабул
қилиш тартибини янада такомиллаштириш тўғри-
сида»ги қарори билан олий таълим муассасала-
рининг бакалавриятга ўқишга қабул қилиш учун
кириш тест синовларини ўтказиш тартибига оид
норматив тасдиқланди.

Унга мувофиқ жорий йилда Олий таълим му-
ассасаларига ўқишга кириш
учун тест синовларини мuddати
1 августдан 15 августгача
икки навбатда ўтказилади.
Яъни биринчи навбат 8:00
да, иккинчи навбат эса 15:00
да бошланади. Бунда ҳар бир
абитуриентга 2 метр квадрат-
дан кам бўлмаган жой ажра-
тилади. Ўзиборли жиҳати,
ҳар 30 нафар абитуриент учун
битта видеокузатув тизими
ўрнатилиб, тест ишлаш жара-
ёнларини бевосита абитури-
ентларнинг ота-оналари ҳам
кузатиши мумкин бўлади.

Шунингдек, тест синов-
лари ва уларнинг миқдориди
ҳам ўзгаришлар мавжуд. Бу
йилда ҳар бир фан учун 30 та-
дан тест топшириғи берилади
(аввалгидек 36 тадан эмас).
Тест топшириқларини бажари-
ш учун (жавоблар варақа-
сини тўлдириб билан бирга)
30 та тест топшириғига 1 соат,
60 та тест топшириғига 2 соат,
90 та тест топшириғига 3 соат
вақт берилади.

Ўзгаришлардан яна бири
абитуриентлар тест синов-
лари ўтказиладиган кунни би-
нога тегишли ҳудудга соат
07:00 (иккинчи навбат соат
13:00) гача, бинога 07:30 дан
(иккинчи навбат 13:30) гача
фақат абитуриент рухсатномаси ва паспорти билан
шахсни идентификациялаш воситалари ҳамда
видеофиксация қурилмалари орқали тартибни ра-
вишда кириши лозим. Абитуриент рухсатнома-
сида кўрсатилган сана ва вақтда тест синовларида
иштирок этади. Ушбу тартиб катъий, абитуриент
бошқа вақт ва санада тест синовларида қатнаша
олмайди.

Тест синовлари натижасидан норози бўл-
ган абитуриентлар белгиланган иш вақтига му-
вофиқ, дам олиш куналарисиз ўн бир календарь
куни ичида бўлган мuddатда апелляция комиссия-
сига ёзма ёки электрон шаклда апелляция шикоят-
тини бериш ҳуқуқига эга. Мурожаатдан сўнг бу
ҳақда уч кун ичида абитуриент хабардор қили-
ниши шарт.

Бундан ташқари, мазкур қарор билан бака-
лавриятта тест синовларисиз, касбий(ижодий)
имтиҳонлар орқали ўқишга қабул қилиш бўйича
таълим йўналишлари рўйхати ҳам тасдиқланди.

Бакалавриятта тест синовларисиз, касбий (ижодий) имтиҳонлар орқали
ўқишга қабул қилиш бўйича таълим йўналишлари
рўйхати

Т/р	Билим ва таълим соҳалари, таълим йўналишлари	Номи	Код
	ГУМАНИТАР СОҲА		100 000
	Педагогика		110 000
1.	Тасвирий санъат ва муҳандислик графикиси		5110800
2.	Музыка таълими		5111100
3.	Жисмоний маданият		5112000
	Санъат		150 000
4.	Бастakorлик санъати		5150100
5.	Санъатшунослик (турлари бўйича)		5150200
6.	Актёрлик санъати (турлари бўйича)		5150300
7.	Режиссёрлик (турлари бўйича)		5150400
8.	Диржёрлик (турлари бўйича)		5150500
9.	Вокал санъати (турлари бўйича)		5150600
10.	Чолгу ижрочилиги (турлари бўйича)		5150700
11.	Рантсвир (турлари бўйича)		5150800
12.	Дизайн (турлари бўйича)		5150900
13.	Ҳайкалтарошлик (турлари бўйича)		5151100
14.	Амалий санъат (турлари бўйича)		5151200
15.	Хореография (турлари бўйича)		5151300
16.	Халқ ижодиёти (турлари бўйича)		5151600
	ХИЗМАТЛАР СОҲАСИ		600 000
	Хизмат қўрастини соҳаси		610 000
17.	Спорт филоити (физик турлари бўйича)		5610500

Илҳ. Ўзбекистон Республикаси таълим муассасаларига ўқишга қабул қилиш бўйича
давлат комиссияси томонидан мазкур рўйхатга ўзгаришлар ва қўшимчалар
қўйилгани мумкин.

Энг муҳими, жорий йилдан бошлаб абитури-
ентлар талабалikka тавсия этилган ёки этилма-
ган тўғрисида белгиланган тартибда тасдиқлан-
ган тест синовлари натижалари имтиҳон бўлиб
ўтган куннинг эртасига Давлат тест марказининг
расмий сайтида эълон қилинади ҳамда олий таъ-
лим муассасаларига етказилади.

Сулаймон ҲАЙДАРОВ

Иzzат ва эҳтиром гултожи

41

Президентимиз Хоразм вилоятига
ҳар ташрифларида биз ижодкорлар билан
учрашиб, дилдан суҳбатлашадилар. Ай-
тиш мумкинки, кейинги йилларда
буюк аждодларимиз ҳақидаги тарихий
романлар салмоғи ортгани давлати-
миз раҳбари берган илҳом маҳсулидир.
Қурбон Мухаммадризовнинг «Абу Рай-
хон Беруний» роман-трилогиясининг
иккинчи китоби, Қўзи Давлатнинг «Мо-
зийдан садо» трилогияси, Комил Аваз-
нинг «Комил Хоразмий», Сотим Аваз-
нинг «Мангулик жамолди» романи
ана шу суҳбатларда ўртага ташланган
ғояларнинг бадиий ифодаси экани айна
ҳақиқат.

Давлатимиз раҳбарининг ижод аҳ-
лига эҳтироми, ўз навбатида, маҳал-

лий раҳбарларни ҳам китобхонликка,
адабий жараёндан хабардор бўлишга,
одамларни муталаага тарғиб қилишга
ундамоқда.

Ғамхўрликдан энди қуртак ёзаёт-
ган ниҳолларимиз — ёш ижодкорла-
римиз, айниқса, мамнун. Зомин анжумани
кўплаб ёш истеъодларни кашф
қилмоқда. «Биринчи китобим» ру-
кида хоразмлик тўрт нафар ижодкор-
нинг илк китоби «Ижод» фонди хо-
мийлигида бепоул чиқарилди. Тез кун-
ларда яна бир ёш шоирнинг шеър-
ий тўплами дунё юзини кўради.

Давлатимиз раҳбари ҳар бир ижод-
кор ихтидордан шогирд тайёрлаш лозим,
деган фикридан рағбат олиб, мен ҳам
муносиб шогирдлар тайёрлашга астой-
дил ҳаракат қилаётман. Бу йил 13 йил

леганда биринчи марта адабиёт йўнали-
шида хоразмлик қиз Зуфрия номидаги
давлат муҳофизатга сазовор бўлди. Бунда,
шак-шубҳасиз, Ёзувчилар уюшмаси вило-
ят бўлимининг ҳам муносиб ҳис-
саси бор.

Ўйлайманки, «Ижод» фонди-
нинг ҳудудий бўлимлари ташкил қи-
линиши, бўлимларга автотранспорт
воситалари ажратилиши, «Дўстлик
қўбларини» ташкил қилиниши жойлар-
даги университет ва институтлар им-
кониятларидан бегараз фойдаланиши-
миз, шунингдек, саломатлигимизга
бўлган эътибор бизга куч-қувват,
илҳом бахш этади, меҳнатга ундайди,
масъулиятимизни янада оширади.

Ғамхўрликка жавобан сермазмун
асарлар яратиб, юрдошларимиз маъна-

виятини бойитишга, бунёдкор, интилув-
чан ёшлар сафини кенгайтиришга ва бу
орқали жамиятимизни равишга ўз ҳисса-
сини қўшамиз. Ёш ижодкорларни қўла-
б-қувватлашни қучайтириш учун бор
имкониятни ишга соламиз.

Навоий, Оғаҳий каби буюк сўз
санъаткорлари ўз ижодлари билан ўз-
бек халқини дунёга танитдилар. Биз
ҳам халқимизга ҳос бетакдор фазилят-
ларини, амалга оширилаётган бекисёс
бунёдкорликларини ўз асарларимизда
тараннум қилиб, мамлакатимизни бут-
тун жаҳонга машҳур қилишни ниёт
қилмоқдамиз.

Ғафҳар ИБОДУЛЛАЕВА,
Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси
Хоразм вилояти бўлими
масъул котиби

Кўприк

БАҲОНИ муштарий берсин

Газетамизда эълон қилинаётган «Жавоб илҳомат саволлар», «Кўприк»
саҳифаси муштарийларда катта қизиқини уйғотмоқда. Тан олиш керакки, од-
дий фуқаролардан келиб тушаётган мурожаат ва саволлар кўпаймоқда.
Бугун «Кўприк» рукида оддий фуқаро, маълум бўлишича, ҳайдовчилик би-

лан шугулланувчи Отабек Раҳимназаровнинг газетамиз саҳифалари орқали Ўз-
бекистон журналистлари ижодий уюшмасига берган саволга уюшма мута-
сиддларининг муносабати ва жавоби билан танишинг.
Жавобларни баҳолаш сиздан, азиз газетхон!

«МУТЛАҚ ҲАҚИҚАТ»ГА ЭРИШИШГА ФАҚАТ ҲАҚ СЎЗ ЕРДАМ БERAДИ

«Оттин қалам» Миллий муҳофизат учун халқаро ташава Ўзбекистон
Республикаси Биринчи Президенти Ислом Каримовнинг ташаббусига кўра
таъсис этилган бўлиб, журналистика соҳасида илҳом ҳуқуқ ва
эришчиларини таъминлашга қаратилган муҳим сана — 3 май - Жаҳон
матбуот эркинлиги кунига бағишлаб ўтказиб келинади. Ташавадан мақсад -
миллий ва халқаро журналистиканинг энг юксак ютуқларини келти-
риб чиқариш, оммавий ахборот воситалари ҳодимларининг фуқаролик
позициясини намойён этишларига шароит яратиш ҳамда журналистларда
таъкидлий-қадриятли муносабат ва ижодий фаоллиқга янгича ёндашувларни
шакллантиришга қаратилган. Айни вақтда шундай тақдир этилган
материалларни баҳолашда бош мақсад вилоятимиздаги таълим

Бу йил 51 унинг бир ўтказиладиган ташавада шу кунгача жами 6 минг
журналист 90 минг ижтимоий аҳамиятга эга материаллари билан
иштирок этиди, 260 нафар ижодкор қолиб ва совирилди бўлиб, уларга
умумий қиймати 1 миллиард 570 миллион сўмдан ортиқ пул муҳофизат
топирилди.

Ташава, ҳат шубҳасиз, ОАВ ва уларда хизмат қилиётган ҳодимлар
фаоллигини маънавий ва моддий рағбатлантириш берибди
журналистларимизнинг илҳом-ялғиз ижодий йўналишларига даъват этилмоқда.
Ташава қолиблари кейинги фаолликларига ҳам ижодий муваффақиятларга
эришиб, ўларига билдирилган ишчилик оқибат қилинмоқда. Юксак давлат
муҳофизатлари - унвоилар, орден ва медалларга сазовор бўлишмоқда. Ўзлаб
бош муҳаррирлар еттишиб чиқди. Фикрини қуруқ бўлмагани учун айрим
миллионлар келтириб ўтди.

Турли йилларда ташава қолиблари ва совирилдари бўлган
журналистлар - Ҳамидов «Ўзбекистон» телеартистларига «Азотдор»
информацион дастурлар бош муҳаррири, айни пайтда «Ўзбекистон - 24»
каналнинг «Сейди шарқовис» Санда Давлатова 2016 йилда, хоразмлик
Абдулла Собиров 2013 йилда, «Наманган ҳақиқати» ижтимоий ҳаётини
газетаси бўлим мудири Рисқиев Мажинов 2017 йилда «Ўзбекистон
Республикасида ҳокимат кўрсатган журналист» унвоинига, Қорақалпоғистон
Республикаси Телерадиокоммания муҳаррири, айни пайтда катта
муҳаррири Гулшод Нурбекова 2016 йилда, «Народное слово» газетаси
муҳбири Гулбаҳор Таштирова 2014 йилда, «Шўхрат» медалга билан
тақдирланган. Муҳофизатини таъсис Санда Давлатова 2016 йилда, хоразмлик
«Прода» газетасида таърихчи Бош муҳаррири бўлиб ишлаган Бакромов
Обидов ҳам айни пайтда Олий Мақсис Қонунчилик палатаси депутати,
Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги Махаллий ахборот таърихчи бош
муҳаррири бўлиб ишлаган Бохад Луҳомов эса «Оқла ва жамият»
газетаси, МТРК собик ҳодими Норқобия Жалилов «XXI аср» газетаси бош
муҳаррири. Яъни, ташава журналистикамиз ривож, ҳуқуқсин ёш

журналистлар қамол топишида ўзига ҳос қилароқ бўлиб келаятгани ҳам бор
гап.

Давлатимиз, «Илҳом» - «Донер» газеталарининг Сирдарё вилояти
бўйича ўз муҳбири Примова Дўстматов 2009 йилда «Энг яхши
журналистик тақдирлар учун» рағбатлантирувчи муҳофизат билан
тақдирланган.

Шуни алоҳида таъкидлашни истардимки, ташавага юборилган
материаллар «Оттин қалам» Миллий муҳофизат учун халқаро ташавага
тақдим этилган материалларни баҳолаш тартиби тўғрисидаги низомига
биноан беш баллик тизим асосида баҳоланади.

Ташавада жамияти Ташава қўлига томонидан мамлакат ОАВ, давлат
ва нодавлат меҳнатушмаклар раҳбарлари тавсиясига биноан еттичи
журналистлар, миллий ва халқаро экспертлардан шакллантирилди.

Маъмурият муҳофизат Ҳайат мустақил фаолият олиб боради ва
унинг ишлари четдан қарашинида ёш қўйилмайди.

Ташава 4 бўлими - телевидение, радио, босма ОАВ ва интернет-
журналистика бўйича ўтказилади. Унда 13 та - битта Бош миллий муҳофизат
этиган шахсий мулоқотлар келтириб, уларни мутлақ фикр сўзига
тақдим этишга уринган. Бирон-бир давл келтирилмаган. Баён этилган
«вақтлар» эса таъкидларини ташавага оид тўғри қарашлардан қилинган
қилинат қилиш, ҳолоқ.


О. Раҳимназаров бошқарилган фуқаролик эришар экан, ўз
муножатида, «электрон журналистика йўналишидаги муҳофизат соҳага
алоқаси бўлмаган журналистлар топширилади», деб қилинган ҳам далолати
қўр-қўрона қўлаб-қувватлашдан ўзини тая олмайд. Ҳолбуки, ташавада
барча йўналишлар қолиблари қабил Электрон ОАВ, жумладан интернет-
журналистика йўналишида муҳофизатларини ҳам ўз соҳаларида ижод
қилиб, таъкидлий-таъкидлий материаллари билан эътироф этилган
журналистлар.

Муножати интернет тармоғидан олишган, «Ташавага
журналистларини ўзлари ҳужжат топширишлари ростишдан галати экан.
Журналистини ўша журналист ишлайдиган муассаса тавсия қилса
бўлмайди» деган иктибос ҳам келтирилган. Албатта, бошқа бир ташава
учун бундай тартиб жоиз бўлиши мумкин. Аммо, ҳар йили 3 май - Жаҳон
матбуот эркинлиги кунига бағишлаб келинаётган «Оттин қалам» Миллий
муҳофизат учун халқаро таъкидлий бошқарилган фарқи жасадларидан
бири шук, журналистлар учун маъмурият ташавада иштирок этиш ҳуқуқ
чекланмаган. Шу бонс таъкидлар рағбатлантириш тавсиясини талаб
қилинмайди.

Муножатида «...журналист Бексод Қўбуров эса ташава шартлари,
саралаш усуллари антика эканга эътибор қаратди. Мисол учун,
иштирокчиларини қайси вилоятдан эканли, яъни «қолиблар географияси,
жине, миллат, тил ва ҳоказо талабларини тилга олган» деб келтирилган

«ОЛТИН ҚАЛАМ»НИ МУНОСИБАТ ОЛИШИ МУТЛАҚ ҲАҚИҚАТМИ?

Ўтган йили «Оттин қалам» XII
Миллий муҳофизат қолибларини
тақдирлаш маросими ўтказилган-
дан сўнг, интернет тармоқлари.



агрофаки

9 апрель — Амир Тему́р таваллуд кун



Буюк бобомиз Амир Тему́р ва темурийлар даври бўйича истиқлол шарофати туфайли таллай тадқиқотлар қилинганига қарамай, бу мавзуда ҳали ўз ечимини қутаётган масалалар мавжудлигини рад этиб бўлмайди. Масалан, Амир Тему́р асос солган давлатнинг мафкураси, унинг илдиэларини ўрганиш бугунги миллий мафкурамиз асосларини мустаҳкамлашга хизмат қила олади, деб бемалол айтишимиз мумкин.

СОҲИБҚИРОН салтанатида мафкура

Тарихдан маълумки, Амир Тему́р адолатли ҳукмдор сифатида халқни зулмдан озод қилишни муқаддас бурч деб билган. «Мовароуннахр аҳолиси, — деб ёзди у ўз «тузуқ»ларида, — менинг бу ишимдан хабар топиши биланок, тезда босқинчиларга қарши ҳужум қилишим кераклиги ҳақида истак билдирдилар. Чунки уларнинг қалби золим мўғуллар тоифасидан бутунлай безган эди. Аҳолининг қаттаю кичиги менга эргашди. Мамлакатнинг уламо ва машойхлари ҳам мўғуллар тоифасини йўқ қилиш ҳақида фатво чиқазиб бердилар. Улус амрлари ва қўшин бошлиқларининг баъзилари ҳам бу ишга қўшилиб бизга бирлашдилар». Шу боис, жамоа аҳлининг барча тоифалари Амир Тему́рни ўзининг ҳалқсори ва ҳукмдори сифатида қадрлаган ҳамда у ҳақда битилган ахднома ва фатволарда шундай кўрсатмалар беришни ўз бурчлари деб билганлар эди: «Тўғри йўл тутган халифалардан Аллоҳ таоло ҳамини мамун бўлсин, тутган йўлларида ва қилган ишларида мувофиқ Мовароуннахрдаги бутун аҳли ислом, сипоҳу раият ёхуд уламою киёмлар бўлсин, Амир Тему́рга иззату ақром кўрсатиб, уни қутби салтанати олий деб атасинлар. Уни Аллоҳнинг ердиги қудрати — салтанат тахтига лойиқ кўрсинлар. Мусулмонларнинг эри, номус-эри, мол-мулки ҳамда жонига зулм-ситам қўлини чўзган мўғуллар тоифасини дафъ қилишда ва умуман, йўқотишда Амир Тему́рга ўз мол ва жонларини аямай, тиришиб ҳаракат қилсинлар. Биз ўз аҳду байъатимизга содиқ қолурмиз. Агар берган аҳд паймонимиздан қайтсак, Аллоҳнинг қудрати-ю қуввати ва ёрдамидан чиқиб, шайтон қудратига ёрдами йўлига кирган бўлайлик». «Бу фатвони менга кўрсатганларидан сўнг жангу жадал байроғини балавд кўтариб, мўғуллар устига лашкар тортишга қарор қилдим, — дейди Амир Тему́р. — Мазлумлар ҳақини зотимлардан олмоқчи бўлдим. Лекин бир неча разил, сотқин кишилар бу ҳаракатимни душманга билдириб, фош қилиб қўйдилар».

Шундан кейин Амир Тему́р ўлканинг гоҳ у жойида, гоҳ бу жойида душманга қарши курашиб, кўп жафоларни кўрди. Ҳатто у бир неча бор ҳалокат ёқасига келиб қолди. Шунга қарамай, озодлик гоғларидан бир қадам ҳам чекинмади.

«Салтанат жигасини таққач, — дейди Амир Тему́р, — тинчлигу, ҳаловатим кетди. Ўз ўрнимда роҳатда ухлаш ҳузур-ҳаловатидан воз кечдим. Ҳаётим давомида турли динёрларни кездим, ранжу аламлар ҳам тортидим. Хар хил тадбирлар қўллаб, душман ҳужумларини қайтардим. Амрлар ва сипоҳийларнинг исёнларини кўрдим. Улардан аниққ дашномлар ҳам эшитдим. Лекин сабр-бардош билан ўзимни эшитмаганга, кўрмаганга солиб, уларни тинчитдим. Қилич яланғочлаб, жанг майдонига отилдим ва шул тарихда дунёга ном чиқардим».

«Амир Тему́р тарихи» китобининг муаллифи Ибн Арабшоҳ Соҳибқироннинг фазилатларини шарҳлаб шундай дейди: «Тему́р теги йўқ фелъ-атворли, чуқур мулоҳазали киши бўлиб, унинг тафаккури денгизнинг қарийқ еди. Унинг қўллаган тадбирларига текислигу, гадир-будурликлар орқали йўл топиш мумкин эди».

Миллат дарди Амир Тему́р сиймоси ва фаолиятда ўз ифодасини топанга туфайли у дунёнинг кўп қисмини ўзига қаратган салтанат туза олишга эришди. Халқ мафкураси буюк соҳибқирон давлатининг моҳияти ва йўналишини белгилаб, ўзига хос сиёсий, иқтисодий ва маънавий асосларга эга бўлди.

1370 йилда Амир Тему́рнинг мустақиллигини

тиклаш ҳақидаги даъвати амалга оширилди. Марказлашган ва қудратли давлатни юзага келтириш мафкуранинг асосий йўналишига айланди. Бунга эришиш учун, аввало, ўзаро келишмовчиликлар ва урушларга барҳам бериб, давлатни ички тарафдан мустаҳкамлаш зарур эди. Бу ҳақда Соҳибқироннинг ўз сўзларини келтириб ўтиш ўринлидир: «Турун вилотини забт этиб, Мовароуннахрни мўғуллар вужудининг хас-хашагидан тозаланимдан кейин, баъзи улусларнинг амрлари менга итоат этиб, бош этишини истамадилар. Уларнинг баъзилари ўз қабилалари олдида ноз қилиб турдилар. Амрларимдан баъзилари уларнинг ёнини олиб, менга «бу давлатга баримиз шерик бўлганимиздан кейин, уларни ҳам шу давлатга шерик деб билайлик» дедилар. Лекин уларнинг гаплари меннинг салтанат юртишимиздаги ғайратимга таъсир қилмади. Ўзимча кенгашидимки, худди битта, унинг шериги йўқдир. Шундай экан, Аллоҳ таолонинг муқаддас мулки — ер юзига эгалик қиладиган киши ҳам битта бўлиши керак. Давлатчиликда сира ширкатга йўл қўйиш ярамайди».

Амир Тему́р ўзининг бундай сиёсатини ҳокимиятнинг қўлга олгунча ва кейин ҳам изчиллик билан олиб бориши туфайли бутун мамлакатда марказлашган қудратли давлатни таъминлади. Бунда қўшиннинг қуч-қудратини ва жанговорлигини ошириш муҳим ўрин эгаллади. Аввало, саркарданнинг ўзи моҳир жангчи ва лашкар-боши ҳамда сипоҳларнинг жону дили бўлиб, улар билан бирга жанг майдонларида қаҳрамонлик намуналарини намойиш этди. «Сипоҳларнинг қўлгига нима ўтирса, шунга қилдим, — дейди Соҳибқирон. — Бошимга пўлат дубулга, эгнимга Довудий совут қийдим, белимга Миср қиличчини боғлаб, баҳодирлигу кураш тахтига ўзимни урдим».

Амир Тему́р сипоҳларни яроғ-аслаҳалар, маош ва бошқа зарур нарсалар билан таъминлашга алоҳида эътибор берди. Жангчиларнинг хизматларини қадрлади ва ўзини кўрсатганларга «Баҳодур» унвонини таъсис этди. Ҳатто, ҳарбий хизматга бир неча минг аёлларни ҳам жалб қилиб, уларга уруш техникасидан сабоқлар берди. Бу ҳақда жонли гувоҳ бўлган Ибн Арабшоҳ шундай ёзди: «Тему́р лашкарлари орасида аёллар ҳам бўлиб, улар душман билан бўлган тўқнашувларда матонат кўрсатардилар. Найза санчида, қилич ўйнатишда ва камондан мўлжалга олишда моҳир эркаклардан кўра ҳам ортиқроқ иш қилардилар. Агар улардан бири ҳомилдор бўлиб йўлда кетётган пайтда уни дард тутса, йўлдан четга чиқарди. У тезда йиғиштирилиб олган, тагин уловига миниб жангга қирарди».

Кўриниб турибдики, гап юритилаётган даврда ватанга содиқлик ва жанговорлик гоғлари шу даражада барқ урганки, ҳатто аёлларни ҳам худди Тему́рнинг давридагидек, жангга овлантирган. Аёлларнинг уруш майдонларидаги қаҳрамонона курашлари кишини ҳайратга солади. Айниқса, кўзи ёриган аёлларни тез жангга қайта шайланиши шоён диққатга

азовордир. Амир Тему́р ўзи юксак ахлоқ-одоб эгаси бўлганиги учун қўшини ҳам шунга монанд, ниҳоятда тартибли ва инсофли бўлган. Ибн Арабшоҳ бу масалада яна жонли гувоҳ бўлади: «Тему́р аскарлари ичида олижаноб, ибодатли, тақводор, саҳоватли, серҳиммат кишилар кўпчилигини ташкил қилади. Улар эзгуликда чексиз бўлиб, уларнинг бу хайрликлари одамларга манфаат етказиб турарди. Асирларни озод қилиш, етишмовчиликларни тўлдирish, ёнгини бартараф қилиш, чўқаётганларни қутқариш, ўзгаларга хайр-эхсон кўрсатиш, бошига қулфат тушганга моддий ва маънавий қўмак бериш, лашкарларнинг одатларидандир».

Мафкуранинг кенг маънода умумхалқ ҳаракати сифатида гавдаланиши ва унинг Амир Тему́р томонидан билимдонлик билан бошқарилиши оқибатида, жанговор ва енгилмас миллий қўшин ташкил этилди. Эндиликда мамлакатни ташки душманлардан сақлаш зарурияти туғилди.

Тарихдан маълумки, чет эллик босқинчилар ҳаминша Турун юртига бостириб киришни орзу қилганлар. Бу ерга келгач, киргинбарот, талон-тарож ишларини авж олтирганлар. Амир Тему́р буларга чек қўйиб, душманларнинг ўз ерида зарба бериб, ўлкани жаҳонга танитиб қўйди. Натижада улуг давлатчилик гоғси Амир Тему́р империяси ташкил топишига олиб келди ва уни оламга танитди. Бундай сиёсат кейинчалик дунё бўйлаб ёйилиб, замонавий тус олди. Шу сабабли, Амир Тему́р давлатининг мафкураси ўзига хос ижобий хусусиятлари

билан ажралиб туради. Унинг ўзи давлат қонунини (тузуқини) ёзди ва изчиллик билан ҳаётга тадбиқ этди. «Давлат ишларини салтанат қонун-қондаларига асосланган ҳолда бошқардим, — дейди у. — Амрлар, вазирлар, сипоҳ, раият ҳар бири ўз лавазим ва мартабасидан мамнун ҳолда хизматимда бўлиб, ундан ортигига даъвогарлик қила олмади. Адолат ва инсоф билан тағнингнинг яратган бандаларини ўзимдан рози қилдим. Гуноҳкорга ҳам, бегуноҳга ҳам раҳм қилиб, ҳаққоният юзасидан ҳукм чиқардим. Хайр-эхсон ишларини билан одамлар кўнглидан жой олдим. Золимлардан мазлумлар ҳақини олдим. Улар етказган ашёвий ва жисмоний зарарларини исбот этганимдан кейин, уларни шароитга мувофиқ одамлар ўртасида муҳокамага қўйдим. Бу гуноҳкорнинг ўрнига бошқасига жабр-зулм ўтказмадим».

Соҳибқирон даврида мамлакатда қурултойлар чакрилди, муҳим масалалар бўйича мунозаралар ўтказилгани, айниқса, диққатга азовордир. Шунингдек, унинг саройида «кенгаш» таъсис этилиши ва унда ҳар бир масаланинг муҳокама қилиниши, ҳозирги тил билан айтганда, демократиянинг қўрнини-ларидан бири эди. У кенгашлар масалаларини яна бир бор ўз сафдошлари билан биргаликда қўриб, кейин уларни сўзсиз қаттиққўллик билан амалга оширган.

Аёнки, халқ мафкурасининг асосий таъини ҳокимиятдир. Шу боис тахт хавфсизлиги ва қуч-қудратини таъминлаш ҳукмдорнинг муқаддас бурни ҳисобланади. Соҳибқирон давлатининг мафкурасида мамлакатнинг жаҳондаги макенини таъминлаш ҳам ўз аксини топди. У Шарқ давлатлари билангина эмас, балки Оврупо давлатлари билан дипломатик ва иқтисодий алоқалар ўрнатишга ҳаракат қилди. Унинг даврида суёнй сугорини ишлари, янги ерларни ўзлаштириш, дехкончилик, чорвачилик кенг қўламда ривожлантирилди. Унинг фармони бўйича давлат дехконларни маблағ, ишлаб чиқариш қуруллари ва бошқа нарсалар билан таъминлаб турди. Ички ва ташқи савдо ривожланиб, Эрон, Афғонистон, Хиндистон, Туркия, Хитой, Арабистон ва бошқа мамлакатлар билан алоқалар юқори поғонага кўтарилди. Натижада мамлакатда мўл-қўлчиликка эришилди.

Испан элчиси Клавихо Самарқанд ҳақида ўзи қўрганларини шундай таърифлайди: «Бу заминда ҳамма нарсаси мўл-қўл бўлиб, ғалла, гўшт, мевалар, паррандаларнинг гўшти жуда сероб. Қўйлар жуда йирки. Уларнинг гўшти жуда арзон. Нон шу даражада арзонки, ундан ортиқ арзон бўлиши мумкин эмас. Гуруҳ ҳам ниҳоятда сероб. Бу шаҳар шу даражада бой ва ерлари умумлики, ҳайратга қолади киши. Бу шаҳарнинг бойлигини пақат озиқ-овқат маҳсулотларидангина эмас, балки ипақ, пахта, зағварлар, олтин буюмларнинг қўлгилгидан ҳам кўриш мумкин».

У Бухорода ҳам фаровон турмушнинг гувоҳи бўлганлиги ҳақида ёзган. Умуман, Амир Тему́р давлатида мафкуранинг иқтисодий асослари ўз самарасини бериб, барқарор мўл-қўлчилик ҳукм сурди. Бу даврда илм-фан, меъморчилик, санъат соҳалари ҳам ривожланиб, маънавий ҳаёт юқори босқичга кўтарилди.

Маҳмуд НАЗАРОВ,
филология фанлари номзоди



Бугун ҳар соҳада бўлгани каби кинода ҳам янги услублар, янги мавзулар, янги ҳамкорлар қидирилмоқда. Ўша, бир пайтлар юртларни юртларга, миллатларни миллатларга, дилларни дилларга боғлаган ижодий кўприклар қайта тикланмоқда. Бу борада Ўзбекистон ҳар томонлама ҳамкорликка тайёр эканини намоён этаёпти.

Айни кунларда кинорежиссёр Мухлиса Азизова суратга олаётган «SCORPION» фильми дунёнинг тўрт бурчидан ўз ишининг усталари бўлган, бутунги дунё мезонлари бўйича ишлаш маҳоратида эга мутахассисларни йиғи олгани билан аҳамиятлидир. Шу ўринда ушбу лойиҳага жалб этилган турк киноюлдузи Мурат Йилдиримнинг Ўзбекистонга келиши мухлислар орасида катта қизиқишларга сабаб бўлганини эътироф этиб ўтмоқчимиз. Бу актёр ўзбек томошабинига «Осиё» телесериалидаги Демир роли билан яхши таниш. «SCORPION»даги унинг иштирокига бўлган қизиқишнинг нисбатан юқорилигини ҳам ана шу сабаб билан изоҳлаймиз.

Мурат Йилдиримнинг юртимизга ташрифи баҳонасида ундан қисқача интервью олишга муваффақ бўлдик.

— Муратбей, авваломбор, юртимизга хуш келибсиз! Ўзбекистон ҳақидаги таассуротларингиз билан ўртоқлашсангиз.

— Шовқин-суронли Истанбулдан сўнг бирдан эрталаб оламага тушиб қолгандек бўлдим. Бухорода худди ўзимни Оловдиндек ҳис қилдим. Қадимий миноралар, сокин кўчалар, қулиб турган одамлар... ҳаммаси ажойиб. Менга, айниқса, бу ернинг томоалари ёқди. Мевалари жуда ширин. Тасвирга олиш қушлари кўпроқ эмаслигидан хафа бўлдим.

— Ҳеч кимга сир эмаски, миллатларни, элларни бир-бирига яқинлаштиришда кино санъатининг ўрни бекиёс. Туркия билан Ўзбекистон муносабатлари янги босқичга кўтарилган бир пайтда, икки давлат санъати ўртасида кўприк бўлишдек фохрди вазифа масъулиятини ҳис қилаётгандирсиз?

— Турли давлатлардан фильмларда роль ижро этиш тақдифлари келиб туради. Агентим бу борада ўта синчков. Ўша тақдифларнинг фақат муносибларининггина менга етказди. Шундай қушларнинг бирида у менга «Муратбей, сизга Ўзбекистондан фильмда иштирок этиш тақдифи тушяпти. Нима дейсиз?», — деб қолди. Сизга маълумки, Туркияда бир миллион нафардан зиёд ўзбек — миллатдошларингиз яшайди. Уларнинг орасида дўстларим, ҳамкорларим бор. Юртингиз ҳақида кўп эшитардим. Уни ўз қўлим билан кўриш орзуи бўлса-да, бир кун келиб, ўзбеклар мени кинога роль ўйнаш учун тақдиф этишди, деб ўйламаган эдим. Бу мен учун қутилмаган ҳол бўлди. Агентимга «Албатта, ўйнайман», дедим.

— «Осиё» фильмидаги Демир роли орқали мухлисларнинг юрагидан жой олганингизни билармидингиз?

— «Осиё» сериали Ўзбекистонда намойиш этилганидан хабарим бор эди, албатта. Лекин мухлислар шунчалар кўп эканини тасаввур қилган эмасман. Бу менга актёр сифатида жуда ёқди. Аслида, қасбимизнинг яхши томони ҳам шу ўзи.

Бундан ортиқ бахт борми санъаткор учун?!

— Машҳур инсонлар ё истёдодли, ё омадли бўлади. Сиз ўзингизни қайси тоифага қўшасиз?
— Истеъдод бўлса-ю, омад келмаса ҳам — ёмон. Лекин бир ҳақиқатдан қўз юмиб бўлмайди — минг омадли бўлинг, истеъдодли бўлинг, меҳнат қилмасангиз, ҳаммасини тез қўлдан чиқарасиз.

— Турк сериалларининг томошабинлар ўртасида бунчалик катта муваффақияти сабабларини нималарда кўрасиз?

— Сиз кино билан ўзингизга тамомаан бегона бўлган инсонлар кўнглига кириб боришингиз, меҳр-муҳаббатига сазовор бўлишингиз, керак бўлса, дунёқарашларни ўзгартиришингиз мумкин. Бу бор гап. Эътибор қилганмисиз, ақл бовар қилмас натижалар ўзини узоқ куттирмайди. Сиз жангу жадалсиз, қуч, зўравонлик ишлатмасдан миллионларнинг қалбини забт этишингиз мумкин. Инсоний туйғулар, у қайси миллатда бўлмасин, бир хилдир. Севги, нафрат, бахт-бахтсизлик, яхшилик-ёмонлик... Кинода самимийлик лозим.

— Сизнингча, яхши фильм дегани қандай бўлади?

— Туйғуларингизни топмайдиган, ўша экранда қўраётганларнинг дунёсида яшай олишингиз... шунга мажбур қилган фильм менга ёқади. Яна сокин, одамни ўйлатадиган, ечимини ўзингизга қолдирадиган, фалсафий фильмларни ёқтираман.

— Муратбей, яна «SCORPION»га қайтасан... Бизниқиларнинг иш услуби сизлардан фарқ қилармикан?

— Кўп жихатдан ўхшаш. Лекин режиссёрнинг ёшгина аёл киши эканлиги, унинг режиссёр сифатидаги ҳагги-ҳаракатлари, ўзини тутуши, актёрларга, умуман гуруҳдагиларга бераётган вази-фалари, иш услуби мен учун янгилик бўлди. Биз жуда оғир ва қийин саҳналарни ўйнадик. Жуда кўп қуч ва вақт талаб этиладиган саҳналар эди. У ана шу жараёни жула усталик билан бошқарди. Ҳар ҳолда режиссёрнинг мендан кўнгли тўлди, деб умид қиламан.

— Фильм ҳали тайёр эмас. Лекин сценарий, иш жараёни билан таниш профессионал ижодкорда маълум бир ҳулосалар туғилади. Сизнингча, унинг натижаси қандай бўлиши мумкин?

— Фильмга тушишдан олдин сценарийни ўқиб чиқдим. Бу менинг иш тутумим. Мен ўзимгагина тегишли бўлган саҳналарни ўқиб чиқиб билан чекланмайман. Ўқиганларим, кўрганларим, қўзатганларимдан келиб чиқиб айтишим мумкинки, бу фильм умуминсоний муаммолар ҳақида. Шу сабабли энг яхши фильмлардан бири бўлишига ишончим комил.

— Мухлисларингизга тилақларингиз?

— Халқларимиз тарихан муштарак. Аслида, бир-биримиз билан таржимонсиз ҳам гапаша оламиз. Тақдир насибамни қисқа муддат бўлса ҳам юртингиз билан қўшганидан мамнунман. Қадриятлари ва ўзлигини қадимий бинолари каби сақлаб қола олган халққа таъзим қиламан. Истагим шуки, юртингиз тинч, ҳамкорлигимиз бардавом бўлсин.

Шоҳира
РАУФБОЕВА



Ҳикмат

Соҳибқирон ҳар ердаким, иморатқа қобил ер кўрса эрди, ул ерда албатта бир иморат солур эрди.

Шарафиддин Али Язды

Таъабларингизга биноан, «Ishonch» газетаси 2018 йилнинг апрелидан сотувга чиқарилди.

МУАССИС:



2007 йил 11 январда
Ўзбекистон Матбуот ва
ахборот агентлигида
116-рақам билан рўйхатга
олинган.

Бош муҳаррир:

Ҳусан ЭРМАТОВ

Бўлимлар:

Касаба уюшмалари ҳаёти — 256-87-63
Ҳуқуқ ва халққаро ҳаёт — 256-64-69
Миллий-маънавий қадриятлар ва спорт — 256-82-79
Хатлар ва муҳбирлар билан ишлаш — 256-85-43
Электрон нашр ва АКТ — 256-87-73

www.ishonch.uz сайти орқали Ўзбекистон Республикаси
Президентининг фармон ва қарорлари, энг сўнгги янгиликлар,
таҳлилий, танқидий мақолалар, хабарларнинг тўлиқ матни
билан танишингиз мумкин.

Манзилимиз:

100165, Тошкент шаҳри,
Бухоро кўчаси, 24-йў.
E-mail: xatlar@ishonch-doverie.uz

Газета ҳафтанинг: сешанба, пайшанба ва шанба кунлари чиққди.
Газета «Ishonch»нинг компьютер
марказида терилди ва саҳифаланди.

«Shaq» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида
чоп этилди. Корхона манзилы: Буюк Турун кўчаси, 41-йў.

Тахририят ҳисоб рақами:

2021 0000 0004 3052 7001,
АТБ «Ipoteka bank» Яшновод филиали,
банк коди: 00959, СТИР: 201133889, ОКОНХ: 87100

Худудлардаги муҳбирлар:

Қорақалпоғистон
Республикаси — (+998-91) 268-92-32
Андижон — (+998-91) 475-23-60
Бухоро — (+998-93) 653-50-81
Жиззах — (+998-91) 943-67-44
Наманган — (+998-90) 260-50-77
Навоий — (+998-93) 314-13-03
Самарқанд — (+998-97) 915-50-87
Сирдарё — (+998-90) 610-95-55
Сурхондарё — (+998-91) 233-69-07
Фарғона — (+998-91) 141-27-70
Хоразм — (+998-90) 719-48-00
Қашқадарё — (+998-91) 467-30-01

«Ishonch»дан олинган маълумотларда манба сифатида газета номи кўрсатилиши шарт.
Муаллифлар фикри тахририят нуктаи назаридан фарқланishi мумкин.

Навбатчи муҳаррир:

У. Ибодинов
Навбатчи:
Н. Маҳамов
Мусаҳҳис:
С. Шодиева
Саҳифаловчи:
Ҳ. Абдуҷалилов
Босишга топшириш вақти: —00:30
Топшириш вақти: —02:20
3 3 4 5 6
Газета офсет усулида,
А-2 форматда босилди.
Ҳажми 2 босма табоқ.
Буюртма Ғ—409.
33247 нускада босилди.
Нашр кўрсатиши: 133